



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 апрел, шанба № 44 (691)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сен ҳамisha ардоқдасан, муқаддас аёл!

## ВАТАН УЛУГВОРЛИГИ РАМЗИ

Жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгариланган кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Ислом КАРИМОВ.

Диёримизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аёлни эъзозлаш, унинг соғлиги, билим олиши, ҳар томонлама камол топиши, ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши, энг муҳими - оилада бола тарбияси билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, аёл ҳар бир киши кўнглини мунаввар қилувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳилчи, тотувчи, меҳр-оқибат бағишловчи, қолаверса, муқаддас Ватан улугворлигини белгиловчи буюк зотдир.

Президентимиз томонидан 1999 йил - Аёллар йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас, албатта. Аёллар йилининг асосий мақсади бутун жамоатчилигимиз, халқимиз томонидан уларнинг оғирини енгил қилиш, қадрлаб авайлаш, ҳар бир кунини мунаввар қилишдан иборатдир. Бу борада, жумладан, ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини янада рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, аёлларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастури ишлаб чиқилиб амалга оширилган бошлангани гоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу Дастур доирасида Президентимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ута зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Фармонда шу йилнинг 1 июлидан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиб олганда мазкур муносабатлар бўйича кам мида ўн йил стажга эга бўлган холларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Ҳукумат қароридан эса ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгиланди, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузаларида Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарурлигини таъкидлаш билан бирга, хотин-қизлар меҳнатини янада енгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиладиган бошқа муҳим тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ўзининг изчиллиги ва мантиқий давомийлиги билан ажралиб туради. Бунга Ўзбекистон Республикасининг сессияда яқинлик билан қабул қилинган «Ута зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги Қонуни яққол мисол бўла олади.

Қонунда мамлакатимиз аёлларнинг моддий аҳолини янада яхшилашнинг янги имкониятлари белгилаб берилди. Унда камида йигирма йиллик иш стажига бўлган аёлларга 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи берилди. Бу аёлнинг ўз истаги бўлгани тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. 54 ёшга тўлганини асос қилиб кўрсатиб, иш бевуви томонидан аёлларни мажбуран ишдан четлатишга йўл қўйилмайди.

Шуни айтиш керакки, бундай ҳуқуқдан ҳар йили қариб 77 минг аёл фойдаланиши мумкин, уларнинг пенсияга чиқиш эҳтимоли республика Пенсия фонди маблағларидан қариб 3,5 миллиард сўм ажратилиши тақозо этади. Қонунда шунингдек, 3 ёшга тўлган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган мусасасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиغان қисқартirilган муддати ҳам белгиланди. Шу билан боғлиқ харажатлар эса оз эмас-кўп эмас 3,8 миллиард сўмини ташкил этади.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, уларнинг турмушини енгиллаштириш ва фаровонлигини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар йигирма биринчи асрга дадил интилаётган мамлакатимиз аёлларига ўз қадриятини янада теран ҳис этиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, кундалик турмушимизда фаол қатнашиш, ўзининг бой маънавий дунёсини тўла намойиш этиш имконини беради.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Буюк ишлар олдида

Республикамиз меҳнатқашлари, касаба уюшмалари вакиллари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасини эър қилиш ва манфаатдорлик ила ўқиб ўрганмоқдалар. Янги минг йилликда қандай яшашимиз, қайси муаммолар ечими диққат-этиборимизда бўлмоғи керак? Биз бугун шу каби долзарб масалалар юзасидан аниқ тасаввурга эга бўлмоқдамиз.

тушди. Муҳими, ишчиларда эртанги кунга ишонч, иштиёқ пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан корхона қоқоқликдан қутилди. Маошлар вақтида берилган бошланди. Энг муҳими, маҳсулотлар сифати ортиб, харидорлари кўпайди.

Олий Мажлис сессияси ҳужжатларида аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини юксалтириш хусусида алоҳида гап борди. Бу масала ҳам доимий эътиборимизда бўлмоқда. Илғорлар тажрибасини омма-лаштириш, мураббийчилик ҳаракатини авж олдириш, ишлаб чиқариш

## БАХТЛИ ИНСОНЛАРИМИЗ

Ўзбекистон фуқаролари мустақиллик шарофати туфайли ўз тақдирларини ўз қўлларига олдилар. Энди барчамиз озодлик ҳавосидан нафас олиш баҳоси йўқ неъмат эканлигини чуқур ҳис қилдик. Президентимиз ўз маърузаларида давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришнинг устувор йўналишларини донишмандлик билан баён этиб бердилар.

Бугунги кунда ислохотлар ўз мевасини бермоқда. Бир вақтлар ҳидсадорлик жамиятимизда эришилаётган натижалар кўнгилдагидек эмасди. Маҳсулот сифати талабга жавоб бераётганлиги сабабли ўз харидорини тополмасди.

Мустақиллик берган имкониятдан унумли фойдаланиб дадил ишга киришдик. Касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирларни изчил амалга оширди. Иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган қўшимча омилар ишга солинди. Янги технология ишга

илғорларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш оддий воқелика айланди. Биз аёллар сало-матлигини муҳофазалаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдик. Бўстонликдаги «Орзу» дам олиш санаторийи ихтиёримизда. Ишчи-хизматчилар ва айниқса хотин-қизлар бу ерда доимий равишда кўнгилли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Президентимизнинг катта сафарбарлик кучига эга бўлган, ҳаётиимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган маърузаларини ўқиб, ўзимизни ўйлантираётган кўпгина саволларга жавоб олаётимиз. Биз бахтли инсонларимиз. Ниятимиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтариш. Улкан ишлар улкан масъулиятни, тадбиркорлик, ташаббускорликни тақозо этади.

А.АБДУКОДИРОВ, Тошкентдаги «Орзу» хиссадорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси.



Жорий йилда Фориш туманидаги чорвадор ҳўжаликларда кўзилаштиш мавсуми бўйича яхши натижаларга эришилди. Айниқса, тумanning Мусокул Оролов номли ширкатлар уюшмаси чорвадорлари бу борада ибрат кўрсатмоқда. Ушбу ширкатлар уюшмасида 14264 бош қўй бўлиб, шундан 7095 боши она совлиқдир. Бу йил уюшма чорвадорлари кўзилаштиш масумида ҳар юз бош совлиқдан 100 бош қўзи олиб, ўз мажбуриятларини ортиги билан бахаришди.

Суратда: (чапдан) бош чўпон Лутфулла Жумашев отаси Абрал Жумашев ва ўғли Хайрулло билан. Б.ЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

16 апрел куни Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юнвалири ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисидаги масалалар бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшма, идора ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазири Ўткир Султонов бошқарди. У мажлисни очар экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимиз ва халқимиз олдидан турган долзарб вазифалар белгилаб берилгани, унда баён этилган қоида ва ҳулосалар бугунги кун ва янги асрда биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қиладигани таъкидлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қишлоқ ҳўжалиги, саноат, халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари ҳамда ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида макроиктисодий барқарорликка эришилди.

Бош вазири Ўринбосари, макроиктисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов кун тартибидagi масала юзасидан ахборот берди.

Мажлисида ўтган даврда макроиктисодий ва молиявий барқарорлик таъминланганлиги таъкидланди. Саноатда 4,7 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 5,5 фоиз, чакана товар айланишида 12,9 фоиз, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳасида 9,5 фоиз ўсишга эришилди. Яилти ички маҳсулот ишлаб чиқариш 102,9 фоизни ташкил этди. Пулнинг инфляция даражаси январда 4,5 фоизга тенг бўлган бўлса, мартта келиб 2,4 фоизга тушди. Аҳолининг пул даромадлари ҳам ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич аҳоли жон бошига 11 минг 605 сўмини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Давлатимиз раҳбари 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди. Республика Вазирлар Маҳкамаси бу борада давлат Дастурини ишлаб чиқди. Шу боис ижро этилувчи ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолиятида аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш қилиш, моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг доимий эътиборида турибди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эҳтиётмаъдан 120,8 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат Дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар ҳамда ҳукуматнинг бошқа дастур ва қарорларининг изчил амалга оширилиши ҳам ижтимоий шарт-шaroитларни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга қатор соҳаларда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Ийрик инвестиция лойиҳалари қонирқаси амалга оширилмоқда. Экспорт ва валюта тушуми бўйича прогнозлар тўлиқ баҳарилмапти. Бу вазифа биринчи чорада қўшма корхоналар томонидан ҳам удалланмади. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар етарли самара бермади. Корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва ҳуқуқийлаштириш, хорижий инвесторлар иштирокида белгиланган дастурларни амалга ошириш соҳасида ҳам муаммолар мавжуд.

Биринчи чорада мамлакат бўйича 101 мингта янги иш жойи ташкил этилди. Лекин унинг 22 фоизигина ишлаб чиқаришга алоқадор эканлиги ачинарли ҳолдир. Бу борадаги аҳвол Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд вилоятларида жиддийлигича қолмоқда.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ечимини кўтаётган энг муҳим муаммолардан бўлиб турибди. Йилнинг биринчи чорагида бу борадаги режа бор-йўғи 7,2 фоиз баҳарилган, холос. Навоий, Тошкент, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 0,2-4 фоизни ташкил этади. Сирдарё вилоятида эса аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича деярли ҳеч бир иш амалга оширилмаган.

Айни пайтда қатор корхоналар зарар қўриб ишламоқда. Айрим тармок корхоналари маҳсулоти эса ўз харидорини топа олмапти. Қишлоқ ҳўжалик корхоналари ўртасидаги контрактация шартномалари номинидаги турзилмоқда. Утган йили соҳада маҳсулот экспорт қилиш 12,8 фоиз кўпайди. Лекин ўсиш фақат тола сотиш хисобига бўлмоқда.

Бу йил баҳор деҳқончилик учун қулай келди. Шунга қарамай айрим вилоятларда чигит, бошқоқдан дон экиш ишлари суст олиб бориляпти. Шу йилнинг 20 апрелигача барча вилоятларда, биринчи майгача Қорақалпоғистон Республикасида чигит экишни тугаллаш зарур.

Бош вазири Ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Б.Олимжонов, Бош вазири Ўринбосари А.Исаев, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи Ўринбосари М.Аскарлов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиёв, Қашқадарё вилояти ҳокими Ш.Бегматов, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси Т.Набиев ва бошқалар муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиқди.

Йилгилида йилнинг биринчи чорагида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш бўйича ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарларига топшириқлар берилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси - Назорат инспекцияси раҳбари Ф.Барноев, Бош вазири Ўринбосари иштирок этди.

Б.ЎРАЕВ, ЎЗА мухбири.

## 9 май - Хотира ва қадрлаш кўни

## ЙЎҚЛАШ

(Отамнинг табаррук хотирасига)



Қорлар эриб кетди. Энди гул баҳор - Яшил рангларини тўқа бошлайди. Гарчи дўстларим бор, бахтим ҳам бисёр, Бир асов ҳаяжон дилни гашлайди.

Дилим хуфтон бўлса, ҳасратлашмоғим - Мумкин қасбдошлар, тенгдошлар билан. Бирок бу истакни қондирмас ҳеч ким, Дилдорлик қилолмас биров дафъатан.

Мунгайган дилимнинг хоҳиши - таскин, Ғарибга маълумдир ғарибнинг холи. Ғамингни ғамсизлар қайдан тушинсин? Яна толейимга қўйиб мисоли -

Сиз туманли уфқда пайдо бўласиз, Елкада - янги тўн, шоҳи саллада. Доно маслаҳатлар сўрайман, сонсиз - Ташвишлар бошимни эзган паллада.

«Нима жавоб берай қўшни қизига? Унинг тузоғидан қолдим кетолмай. Ғубор қўнган эмиш онам кўзига. Томорқа турибди ҳали ҳайдалмай».

Жами мушкулларга ечим топган зот - Йўл-йўрик кўрсатиб бошлайсиз калом. Бирдан тонг отади, тун бағри озод, Бизнинг мулоқот ҳам бўлади тамом.

Учратаман, дея балки йўлакда - Уйкумини тарқ этиб турсам энтиқиб. Лекин урчолмай гашлик юракда, Кеча сукути-ла қолибсиз кетиб.

Кўнглимни эзади соғинч беомон, Иссиқ у меҳрга тўймоқ истаيمان. «Соғиндим, отажон» деган сакодан - Мувозанат ўзин йўқотар экан.

Уфорли қирларда ерни қучоқлаб, Муздек оловларда ёнар ўғлингиз. Отажон, келмайсиз бир бора йўқлаб, Нега келмасангиз кетган эдингиз?!

... Теграмда дўстларнинг шодон чеҳраси, Тугулиб қарайман нурли камолга. Талпиниб яшайман умрим эртаси - Сиз менга тилаган нурли камолга.

Ҳақим МУҲАММАД.

## САКСОНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

Германия Федератив Республикасининг Озод Саксония Улкаси ишбилармон доиралари вакиллари-дан иборат делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга Озод Саксония Улкасининг иқтисодиёт ва меҳнат бўйича давлат вазири жаноб К.Шоммер раҳбарлик қилмоқда.

Шарқий Германияда жойлашган Озод Саксония Улкаси мамлакатнинг энг тез ва ҳар томонлама ривожланиётган ўлкаларидан бири саналади. Утган йили ўлкада саноат устичи ўн турт фоизга, хорижга маҳсулот ва хизматлар экспорт қилиш эса йигирма фоиздан зиёд ўсди. Кейинги йиллар давомида ўлкага саккиз миллиард АҚШ доллар миқдоридан хорижий сармоа киритилгани ҳам ўлканинг бой салоҳиятидан дарак бериб турибди. Бундай ҳавас қиларлик натижаларнинг кўп сабаблари бор, албатта. Лекин асосийларидан бири ўлка ҳукуматининг тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериб келаётганидир.

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Саксония тадбиркорлари делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Бош вазири Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар самарали ривожланиб бораётганини таъкидлади.

К.Шоммер Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳоли ва ўтказилаётган ислохотлар саксониялик мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб чиқилганини айтди. Унинг таъкидлашича, Саксония Улкаси тадбиркорлари ушбу тадқиқотлар натижаларига таяниб, ўрта Осиё бозорлари томон ҳаракатни айна

Тошкентдан бошлаш лозим, деган фикрга келишган. Ҳозир Саксония тадбиркорлари Ўзбекистон бозорига тайёр маҳсулот эмас, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган техника ва технология тақдим қилмоқда. Ҳамкорликнинг иккинчи босқичида эса қўшма корхоналар тузиш турибди.

Музокаралар давомида ўзаро мутахассислар алмашишни кенгайтириш тақлифи ҳам ўртага ташланди. Мутахассислар ҳамкорлик имкониятларини яхши ўрганиб, тегишли ҳулосалар берганидан кейин доимий суратда ҳукуматлараро делегациялар алмашишни ҳам йўлга қўйиш яхши самара берган бўлур эди. К.Шоммер шу йил октябр ойда Озод Саксония Улкасида Ўзбекистон иқтисодиёти кунларини ўтказиш режаси борлигини айтди ва мамлакатимиз вакиллари

бўлажак тадбирга тақлиф қилди. Шунингдек, учрашувда бошқа масалалар, ҳусусан, Тошкентда шиша-пахта заводи, кварцли кўмирни бойитиш фабрикасини қуриш режалари ҳам муҳокама этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев иштирок этди. Шунингдек, делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ҳамда «Ўзкимсанот» уюшмасида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказди.

Учрашувларда Германиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва муҳтор элчиси Райнгард Биндзайл иштирок этди.

Муслимон НАМАЗ, ЎЗА мухбири.

Зафаробод туманидаги «Уч қахрамон» ижара ширкатлари уюшмаси фермери Тинчлик Бердибеков тадбиркорлиги боис эл хурматини қозонган инсон.

— Тинчлик даланнинг одами, - дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Боки Хўжанов. - Уни қачон изламанг, даласидан топасиз. Хатто, корли-қировли кунларда ҳам даласини бир айланиб келмасанг, кўнгли тинчмайди. Ҳозир қўяверинг, ўн чоғли фарзандларининг ҳам барчасини шунга ўргатган.

Боки ака айтганидек, Тинчлик Бердибековни даладан топдик. Сак-

киз-ўн нафар одам билан галлазорга қўлда ўғит сепишаётган экан.

Одатда бундай тигиз пайтада хангома ҳам мухтасар бўлади. «Хорманг-бор бўлинг»дан сўнг Тинчлик аканинг «Фан и жон» деб ата-лувчи кичик оилавий фермер хўжалиги ихтиёрида 40 гектар ер борлигини, бултур 20 гектарига чигит экиб, 20 гектарига галла етиштирилгани билиб олдик. Утган йили ҳар гектар галлазордан 35 центнердан сара дон, ҳар гектар пахта майдонидан эса 30 центнердан «оқ олтин» саранжомлаб олишибди.

Бу ютуқларда фарзандлари Фанижон, Ҳасанбой, Шокиржонларнинг муносиб хиссалари бор. Жамоанинг йиллик соф фойдаси 306 минг сўмни ташкил этибди.

## Қўли очик фермер

— Тинчликбой бултур ҳам саховат кўрсатган эди, - дейди Боки Хўжанов. - Масалан, бизнинг «Нуроний» жамғармасига 20 минг сўм, «Соғлом авлод учун» жамғармасига 15 минг сўм, «Маҳалла» хайрия жамғармасига 15 минг сўм, 10-ўрта мактабга эса 16 минг сўм ёрдам берган

харорати меъёрига етиши билан экишни бошлаймиз. Қолган 4 гектар еримизда сабзавот ва полиз экинлари етиштириб, ҳосилнинг асосий қисмини кам таъминланган оилани йил давомида галла ва ун билан таъминлаб келаяпти.

Уттиз олти йилдан буён чўл кезиб, бахтиёр оилага бошчилик қилиб келаётган Тинчлик Бердибеков «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонининг соҳибидир. Айти дамларда фермер хўжалигида баҳорги дала ишлари жадал олиб борилаёпти.

Келдиёр Жўрақулов, «Ишонч» мухбири.

## Қишлоқларга Тошкент чиройи

### Чўлда улкан иншоотлар

Бир пайтлари дашту биёбонлардан иборат бўлган Касби, Усмон Юсупов, Бахористон туманларига қарашли бўлган хўжаликлар, қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар қиёфаси истиқлол шарофати туфайли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Мустиқиллик йилларида маданий-маиший бинолар, бир-биридан чиройли уй-жойлар, чойхона, ошхоналар, дам олиш масканлари, маданият саройлари, қад кўтарди. Замонавий меъморчилик усулида бунёд этилган кўп қаватли мактаблар, болалар боғчаларида меҳнаткашларнинг фарзандлари бугунги кун талаби даражасида билим олишаёпти. Мамлакатимиз Президентини И.Каримовнинг ташаббуси билан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун давлат томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Ундан унумли фойдаланиб келаётган кўли гул бунёдкорлар уй-жой, маъмурий бинолар қуришга жиддий аҳамият бермоқдалар.

Улкан бунёдкорлик ишларини бажаришда 19-Қаشقардэ деҳқон қурилиши очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8-деҳқончилик қурилиш бошқармасининг қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг кучи билан ҳар йили кўплаб замонавий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Қурувчилар ўтган йилда Касби, Усмон Юсупов туманларида 116 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишларини урдаладилар. Бу муваффақиятга асосан техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, иш вақти ва қурилиш материалларини тежаш ҳисобига эришиляпти.

Касби тумани марказини айлансангиз, бунёдкорлар қурган улкан иморатларга кўзингиз тушади. Улар Аёллар йилида ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан хўжаликлар, ташкилотлар билан шартномалар тузишган. Хусусан бу йил шартнома баҳосида 186 миллион 646 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари урдаланиши керак. Мазкур кўрсаткичини ўтган йилга таққослайдиган бўлсак, 70 миллион сўм кўп, демакдир. Шу йилдан бошлаб бошқарма тендер (тан-

лов) усулига ўтиб ишлаб бошлади. Танловда иштирок этган ахил жамоа 2 та муҳим иншоотни ютиб олди. Иншоотлардан бири Усмон Юсупов тумани Жейнов қишлоғидаги 900 ўринли санаят қурилиш коллежидир. Лойиҳа-смета ҳужжати бўйича 700 миллион сўмни ташкил этадиган бу қурилиш иншооти 2000 йилнинг сентябр ойига қадар қуриб битказилиши лозим.

Шу кунларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Қахрамон Итолмасов бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси пешқадамлик қилиб келаётди. Нормамат Сатторов, Абдували Сатторов, Хайрулло Қўлдошев сингари ғишт терувчилар кунлик режани бир ярим - икки ҳиссага бажаришаёпти.

Бунёдкорлар Жейнов қишлоғида санаят коллежи қурилишини ҳам жадал бошлаб юбордилар. Бу ерда йил охиригача 55 миллион 900 минг сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. 10 гектар ер майдонига эга бўлган санаят қурилиш коллежиде ҳозир ер текислаш, бетон ишларини бажариш, пойдевор учун чуқурлар қовлаш бошлаб юборилди.

Тумандаги Жейнов кооператив (ширкат) хўжалигида 360 ўринли мактаб, турар жой бинолари қурилишлари ҳам бошлаб юборилган. Бу иншоотларда 7 миллион 300 минг сўмлик иш бажариш бўйича хўжалик билан ўзаро шартнома имзоланган. 8-деҳқончилик қурилиш бошқармаси нафақат Касби ва Усмон Юсупов туманларида, балки, Шўртангаз кимё мажмуида ҳам бунёдкорлик ишларини олиб бораёптилар. Бу ерда қурилиш бошқармасининг 30 нафар қурувчилари меҳнат қилишаёпти. Йил бошидан буён 10 миллион сўмлик иш бажарилди. Қурувчилар ўз вақтида ижтимоий жиҳатдан химоя қилинмоқдалар. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Касаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда ишчиларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ишчилар бепул автобус хизматидан фойдаланаяптилар, меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган.

Жўра ЮСУПОВ.

## Касаба уюшма ҳаёти

### Ёшлар камбағли

Бизда ходимларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, моддий, маънавий эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уюшмаимизда 83 та ташкилот бор. Касаба уюшма аъзолари 2914 кишини ташкил этади. Қисқа вақт ичида туманимиздаги «Фарҳод» санаторийсида 21 нафар ўқувчи саломатлигини тиклади. 80 нафар педдагог Тошкент шаҳрига саёҳатга юборилди. 80 нафар ўқувчида малака ошириш институтида ўқиш ҳамда дам олиш учун йўланма бердик. Бунга сарфланган маблағ 600 минг сўмни ташкил этди.

Уқувчилар кўни муносибати билан моддий рағбатлантириш аънаъна тусига кирган. Хайрия ишлари ҳам олиб бориляпти. Меҳрибонлик уйи ташкиллангани учун 30000 сўм ажратилди.

Хар йилгидек бу йил ҳам ходимларни соғломлаштириш дискрет марказимизда турибди. Қатор ходимлар «Чинобод», «Чимён» санаторийларига юборилди.

Еш авлод тарбияси, уларнинг яхши тарбия, пухта билим олишлари асосий муқддо. Бу йилларда 31-мактабдан Б.Файзиёв, 9-мактабдан М.Мавлюнов, 8-мактабдан А.Нисонов, 7-мактабдан Р.Абдуллаева ва бошқалар намуна бўлмоқдалар.

У.ЭРАЛИЕВ, Тошкент вилояти Бекобод тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси раиси.

Иқтисодий ўнгиланишга эришмай туриб, бошқа соҳаларда ишларни муваффақиятли давом эттириш кийин. Самарқанд вилоятидаги корхоналарнинг аҳоли қандай? Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлиғи Уктам Сирожиiddинов шу ҳақда сўз юритади.


Вилоятдаги корхоналарнинг иқтисодий аҳолидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми, деган савол кўпича кўндаланг қўйилади.

Бу масалага таҳлилий ёндашган маъқул. Аввало, айтишимиз керакки, вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз мавжуд аҳолига одилона баҳо бердилар. Биз мутахассислар иштирокида ўтган йили 258 та корхонанинг аҳолини ўрганадик, аксариятининг иқтисодий ночорлиги, 36 тасининг банкротлик чегарасига яқинлашиб қолганлиги аниқланди. Дебиторлик қарзларнинг камаймаётгани, махсулот оморларда туриб қолаётгани, айланма маблағлар етишмаслиги корхоналарнинг молиявий аҳолига салбий таъсир қилмоқда. Уларнинг тўлов қобилиятини тиклаш, иқтисодиётини барқарорлаштириш бўйича бир қанча чоралар кўрилди. Иқтисодий ночор 164 та корхонага соғломлаштириш имко-

## Истеъдоддилар аниқланди

Навоий шаҳар «Ширин» маданият саройида вилоят маданият бошқармаси ва Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмаси касабга уюшма кўмитаси ҳамкорлигида «Алло, биз талантлари ахтарамиз» номли 3-анъанавий фестивални ўтказдилар. Унда бирлашмада меҳнат қилаётган ишчилардан 172 нафари иштирок этиб, улардан 36 нафари шу йилнинг лауреати бўлди. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари бўйича 1-ўрин нейтрон ишлаб чиқариш корхонасига, цехлар бўйича 1-ўрин марказий химия лабораториясига берилди. Фестивал лауреатлари навоийлик санъат ихлосмандларига ўз концертларини намойиш этдилар. Уларнинг дастурларида аёлларни эъзозловчи, она Ватанини мадҳ этувчи куй-қўшиқларга кенг ўрин берилган. Фестивал якунида маданият бошқармаси ва бирлашма касабга уюшма кўмитасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари лауреатларга топширилди.

Садбархон ЖўРАЕВА.



Индонезия

## OLAMDA NIMA GAP

СТОКГОЛЬМ. Швеция Бош вазири Йоран Перссон НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан 24-25 апрел кунлари Вашингтонда бўлажак Саммитда иштирок этишга қарор қилди. Швециянинг «Дагенс нюхетер» газетасида эълон қилинган хабарда айтилиши-

ча, Й.Перссон дастлаб ушбу тадбирда иштирок этишни режалаштирмаган эди. Лекин бўлажак учрашувда Косово можароси ва уни бартараф қилиш борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилиниши уни шундай қарорга келишга мажбур қилган. Бош вазирига мамлакат

Ташқи ишлар вазири Анна Линд ва мудофаа вазири Берн фон Судов ҳам ҳамроҳлик қилди. Юбилей тантаналарининг биринчи кунги тадбирлари НАТОга аъзо 19 мамлакат вақили иштирок этади. Сўнгра уларга «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига

## Санация - сўнгги имконият

лашга ҳамма ҳам тайёр эмас. Шу сабабли иш юритишда жиддий ҳаттоларга йўл қўйилаётди. Асосий сабаб баъзи раҳбарларнинг ношудлигида, бизнес режа пухта ишлаб чиқилмаганида, махсулот таннархи асосиз ошиб бораётганида, ортикча харажатларга йўл қўйилаётгани, ички за-

лар мисолида бунга яққол қўриш мумкин. Бу хўжаликлар ишлаб чиқариши учун зарур хом ашё ва воситалар асосан республикамиз ташқарисидан келтирилади. Масалан, ташқи қарамлик лифтсозлик заводиде 95 фоизни, «Сино» заводиде 90 фоизни ташкил этади. Очиги, кўпгина корхо-

риш бирлашмасининг Каттакўрғондаги филиаллари, Каттакўрғон туманидаги янги консерва заводи, Иштихондаги ғишт заводи ишламаяпти. Туманлар ҳолати эса уларни қўлаб-қувватлаш чорасини кўришаёпти.

Банкротлиги эътироф этилаётган, тугатилаётган корхоналардаги ишчиларнинг тақдирини кўпчиликни қизиқтиради.

Маълумки, одамларнинг бандлиги масаласи билан меҳнат, бандлик ва аҳолининг ижтимоий химоялаш бошқармаси шуғулланади. Лекин биз корхонанинг тақдирини ҳал қилганидан пайтада тегишли тармоқ касабга уюшма ташкилоти вакиллари иштирокида аниқ тадбирлар белгилаб оламиз. Хусусан, кейинги вақтларда банкрот бўлган корхонани бўлақлаб, қисмлаб эмас, балки тўлигича сотиш тажрибасини қўллаяпмиз. Бунда корхонанинг фақат мулкдори ўзгаргани ва илжои борича иш ўринлари сакланиб қолади. Натижада иқтисодий «об-ҳаво» ўзгарса-да, ижтимоий муҳит соғломлигича қолади.

Ҳозир кўпгина корхоналар техниканга қайта қуролланиш имкониятини то-

полмаяпти. Эски ускуналар, эски технология билан рақобатбардош махсулот чиқариб, юқори сатҳга эришиб бўлмади. Натижада махсулот оморлардан туриб қолади. Иккинчидан, дебитор қарзларнинг кўпайиши таъсирида айланма маблағлар қисқариб, корхона фаолияти теклашиб қолади. Барқарор ишлаш учун бунга йўл қўймаслик керак.

Яна бир гап. Бу менинг шахсий фикрим, албатта. Дебитор қарзларини ундириш масаласида хўжалик судига мурожаат қилган даввогарга имтиёз берилиши керак.

Ҳозирги реал вазиятни назарда тутадиган бўлсак, иқтисодий ночор корхоналардан ҳар бирининг ундирилмаган миллионлаб сўм дебитор қарзлари бор. Ночор корхоналар ҳисоб рақамиде маблағ йўқлигидан давлат божини олдиндан тўлай олмапти. Натижада уларнинг даввосини суд кўрмапти, дебитор қарз ундириб берилмаяпти ва натижада ночорлик давом этапти. Мақсад аввало корхонани молиявий танглиқдан, иқтисодий ночорликдан чиқаришдир. Бу эса масалаларни тезроқ обдинлаштиришга хизмат қилган бўларди.

## ШИҚОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

Мамлакатимизда фуқаролар жамиятини шакллантириш учун барча қонуний мезонлар ишлаб чиқилган. Шу боис меҳнаткашлар ҳақ-ҳўқуқларининг химоя қилинишига тўлиқ қаролат бор. Аммо тахририя-тимизда келаётган шикоятлардан шу нарса ҳам маълум бўлмоқдаки, ҳали жойларда қонунларни яхши билмаслик оқибатида фуқароларнинг у ёки бу даражада ҳўқуқлари поймол қилинаётди. Ана шундай мактубларнинг бири Тошкент шаҳрининг Ақмал Икромов туманида истиқомат қилаётган қария Клавдия Степановна Комбарга тегишлидир.

Унинг ёзишча, ўғли - Василий Комбар «Савдо қурувчиси» жамоа корхонасида 1992 йилдан бери монтажчи вазифасида ишлаб келган. 1998 йилнинг август ойида «Арду» меҳмонхонаси мажмуи иншоотининг қурилиши жараёнида бахтсиз ҳодиса рўй берган. Техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаганлиги натижасида Василий ҳалок бўлган. Бунда бевосита маъмуриятнинг айби бор.

Воқеа тафсилоти тўғрисида тузилган АКТда кўрсатилишича, «ташқи куч» ҳақида ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Бироқ, Юнусобод прокуратурасининг жорий йилнинг 5 январидеги суриштирув-текширувлари натижасида чиқарган қарорда жиний ҳаракат учун асос йўқлиги қайд этилган.

1998 йилнинг 21 октябрида марҳумга тааллуқли бўлган ҳужжатлар марҳумнинг онаси, оиласига бир нусхадан юборилган. Ва айти пайтада корхона маъмурияти уларга етказилган зарар туфайли қисман моддий ёрдам берган.

Аммо... маъмуриятнинг 17 ноябрда 121-«А» сонли буйруғи чиқди. Унда бошланғич касабга уюшмаси йиғилишининг қарори асос қилиниб, 1994 йил 1 февралдан бошлаб, етказилган зарар учун узоқ мудатта товон пулини тўлаш нотўғри, деб белгиланган. Қарорда эса иккита вақ келтирилган:

1. Марҳумнинг онаси алоҳида жойда яшайди.
2. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ба-

ндлик ҳамда ижтимоий химоя қилиш Бошқармасининг берган ҳулосаси.

Шундан кейин К.С.Комбар меҳнат буйича давлат-техника инспекциясига мурожаат қилди. Унга у ердан хат ўзбек тилида тайёрланган, русчага ўғрилганда, фарзандини йўқотган шахсга товон тўлаш ёки уни тўламаслик учун рад жавоби туғрисида бирорта ҳам сўз ёзилмаган, деган маълумот беришади. Табиийки, жаваблардан қониқиш ҳосил қилмаган жабрдайдя она мутасадди ташкилот (Г.Т.И.К бошлиғи С.Г.Низомов)га учрашади. У ўли ишлаган жойдан шу воқеага алоқадор ҳужжатларни тақдим этишни сўрайди. Раҳбарият мавжуд далилларни синчиқлаб текшириб, шикоятчининг давволари тўлиқ қондирилиши лозим, деган қарорга келишади.

Лекин «Савдо қурувчиси» жамоа корхонаси директори М.Қосимов фуқарога тегишли зарар ҳамдун товон пулининг тўлашдан бош тортади. Бундай ҳаракатда Меҳнат вазирлигидан юборилган низоми сабаб қилиб кўрсатади.

К.Комбар билдирилаётган вақтларни тўғри ёки нотўғри эканлигини билиш мақсадиде Меҳнат вазирлигига хат йўллайтиди. Бироқ мана, олти ойдан ортик вақт ўтиб бораптики, унга бирор жуяли гап айтилмапти...

Дарвоқе, ўғлининг иш жойидан марҳумни дафн этиш учун 60.000 сўм ажратилган. Аммо боқувчисини йўқотган оилага товон пули тўлаб туриш учун моддий ёрдам беришга қарор қилинмаган.

Давво ақинда Тошкент шаҳар касабга уюшмалари кенгаши аъзолари иштирокида «Савдо қурувчи» жамоа корхонасида батафсил кўриб чиқилди. Фуқаро К.Комбар 1998 йил август ойида содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида ўғли Василийнинг ҳалок бўлганлиги туфайли ҳар ойга 7 минг 500 сўм умрбод тўлаб берилиши маъмурият зиммасига юклатилди. Шунингдек, марҳумнинг хотини 55 ёшга тўлгунга қадар товон пули тўлаш ҳам мажбуриятга олинди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

## «Ишонч»га жавоб берадилар

### «БИР МЕҲРИБОН БЎЛМАСА»

Газетамизнинг шу йил 30 январ кунги юқоридеги сарлавҳа остида босилган мақолада Термиз шаҳридаги 3-мактаб биноси гарчанд у саккиз йил олдин фойдаланишга топширилган бўлса-да, лекин унинг айрим хоналари, зинапоиси тўла таъмир-га муҳтожлиги; мактаб маъмурияти бу масалада тегишли ташкилотларга бир неча марта мурожаат этганига қарамай ахвол ўзгармаётгани хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаев имзоси билан олинган жавобда таъкидланганича, газетда кўрсатилган далиллар тўғри. Мактабни текширган комиссия ҳулосаларидан келиб чиққан ҳолда «Тўлалар» сув қурилиш ташкилоти билан шартнома тузилиб, унга мувофиқ ўқув даргоҳи зинапоиси таъмирдан чиқарилди. Болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадиде зарур эҳтиёткорлик чоралари кўрилди. Жумладан, бина йўлакларни полири бир қисми қайта таъмирланди. Мақолада қайд этилган бинонинг бошқа хоналарини тўла таъмирлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

НАХОДКА. Россиянинг Владивосток шаҳридаги темир йўл ва денгиз транспорт вокзалидан беш юзга яқин йўловчи хавфсиз жойга қўйрилди. Номатлум кишининг телефон орқали ушбу вокзалларга мина жойлаштирилгани ҳақидаги хабари вокзал маъмурияти шундай иш тутишга мажбур қилди, дейилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабариде.

Барча автобус вокзаллари маъмурияти ҳам бундан боخابар қилиниб, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрсатма берилди. Ҳозирча, темир йўл вокзалидан портловчи мослама топилганича йўқ, лекин қутқарув хизмати текширув ишларини ўтказмоқда. (ЎзА)

## ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПДИ

Нарпай туманидаги 30-лицей-умий таълим мактабининг физика ўқувчиси Абдухалил Нормуродов шу йил 16 январда тахририятимизга йўллаган мактубида шу мактаб ўқувчиси Эдибек Сувонов ушбу фан бўйича туман олимпиадасида қатнашиб биринчи ўринни эгаллагани, лекин вилоят олимпиадасига у рўйхатдан тушиб қолиб, ўрнига иккинчи ўринни олган ўқувчи юборилганини таасуф билан маълум қилган ва ҳақ ўз жойида қарор топишида ёрдам берилишини сўраган эди.

